

Кузатув кенгашининг
2020 йил 19 майдаги 2 - сон баёнига
1-илова

**Академик Т.А.Саримсоқов номидаги стипендиясига номзодларни
сарадаш ва ғолибларга стипендия ажратиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон қарорига мувофиқ Математика таълим йўналишларида таълим олаётган талабалар ва тадқиқотчилар учун Академик Т.А.Саримсоқов номидаги стипендиясига (кейинги ўринларда – стипендия) номзодларни сарадаш ва стипендия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Стипендия Академик Т.А.Саримсоқов номидаги стипендиясига номзодларни сарадаш бўйича танлов комиссиясининг (кейинги ўринларда – танлов комиссияси) хulosасига кўра Математика фани ва таълим мини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг (кейинги ўринларда – Кузатув кенгashi) қарорига мувофиқ ажратилади.

3. Стипендия республикадаги олий таълим муассасаларида Математика таълим йўналишларида 2-курсни тугатган бакалавриат, 1-курсни тугатган магистратура талабалари ва 1-босқични тугатган таянч докторантлар учун ушбу Низом билан белгиланган тартибга мувофиқ танловдан ўтганларга берилади.

4. Танловдан муваффақиятли ўтганлар Академик Т.А.Саримсоқов номидаги стипендиянинг стипендиати (кейинги ўринларда – стипендиат) ҳисобланади ва улар тегишли Сертификат билан тақдирланади.

5. Стипендиатларга Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган миқдорда бир ўкув йили мобайнида ҳар ой учун ўрнатилган тартибда стипендия тўланади.

6. Танловни ўtkазиш ва стипендияни тўлаш билан боғлиқ харажатлар Математика фани ва таълим мини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ушбу стипендия номдор давлат стипендиялари билан бир вақтда берилмайди.

2-боб. Танловда қатнашиш учун талабгорларга қўйиладиган асосий талаблар

8. Танловда қатнашиш учун талабгорлар қўйидагиларга мувофиқ бўлиши лозим:

а) Бакалавриат ва магистратура талабалари:

ўқув иили натижалари бўйича фанларни ўзлаштириш даражаси яхши (4 баҳо) ва ундан юқори бўлиши;

математика бўйича барча фанларни ўзлаштириш даражаси аъло (5 баҳо) бўлиши;

б) таянч докторантурда изланувчилари:

малакавий имтихонларни топширганлиги, бунда мутахассислиги бўйича малакавий имтихон 86 балл ва ундан юқори бўлиши;

якка тартибдаги режаси бўйича белгиланган ишларнинг ўз вақтида бажарилганлиги.

3-боб. Танловга хужжатларни қабул қилиш

9. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш бўйича Ижро дирекцияси (кейинги ўринларда – Ижро дирекцияси) Кузатув Кенгашининг қарорига кўра стипендия бўйича танловга хужжатларни қабул қилиш бошланганлигини, хужжатларни қабул қилиш муддатлари ва тартибини республика оммавий ахборот воситаларида стипендия бериладиган йилнинг 1 июнгача эълон қиласди.

10. Стипендияга талабгорларнинг аризалари ва тегишли хужжатлари оммавий ахборот воситаларида эълон чиқсан кундан бошлаб:

Бакалавриат ва магистратура талабаларидан 30 июнга қадар;

докторантлардан 1 ноябрга қадар қабул қилинади.

11. Танловда қатнашиш учун Ижро дирекциясига стипендияга талабгорнинг аризаси қўйидаги хужжатларни жилдлаган ҳолда тақдим этилади:

а) бакалавриат ва магистратура талабалари томонидан:

номзоднинг синов дафтарчасидан кўчирма (кўчирма факультет мухри билан тасдиқланади);

тегишли факультет декани ёки кафедра мудири ва таълим муассасадаги етакчи профессор-ўқитувчининг тавсияномаси (талабгорнинг илмий натижалари қисқача баён этилган ҳолда);

илмий конференция ва семинарларда иштирок этган маъруза тезис/мақолалари, илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалари рўйхати (факультет мухри билан тасдиқланди) ва нусхаси;

б) таянч докторантурда изланувчиси томонидан:

илмий раҳбари тавсияномаси (бунда талабгорнинг диссертация иши бўйича олинган илмий натижаларининг қисқача баёни бўлиши назарда тутилган);

илмий конференция ва семинарларда иштирок этган маъруза тезис/мақолалари, илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалари рўйхати ва нусхаси;

CV-Curriculum Vitae (халқаро стандартларга мувофиқ шаклда).

12. Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар аслининг электрон нусхаси Ижро дирекциясининг mathscholar@mathinst.uz электрон почтасига юборилади.

13. Танловга қуидаги талабгорларнинг ҳужжатлари қабул қилинмайди:

таълим олаётган ташкилотининг талабгор бўйича унинг таълим жараёнида ўзлаштириш ва тарбияси бўйича эътирози бўлганида;

ушбу Низомга мувофиқ аввалги танловларда стипендиат бўлганлар (таълим тури ўзгарган ҳолларда бундан мустасно).

14. Талабгорларнинг ҳужжатлари Жамғарма фаолиятини ташкил этиш бўйича Ижро дирекцияси томонидан қабул қилинади.

4-боб. Танловга тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши

15. Танловда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатлар танлов муддати тугагач бир хафта муддатда Танлов комиссиясига тақдим этилади.

16. Танлов комиссиясининг қарори билан ҳужжатларни кўриб чиқиши учун эксперtlар белгиланади.

Экспертлар Танлов комиссияси аъзолари ва Институт ходимлари ёки зарур ҳолларда бошқа ташкилотлардан жалб этилаётган экспертларнинг розилиги билан тайинланиши мумкин.

17. Танловда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатлар икки хафта муддатда эксперт томонидан ўрганилади ва ўрганиш натижалари бўйича экспертнинг хulosаси Танлов комиссиясига тақдим этилади.

18. Эксперт хulosасида қуидагилар баён этилиши зарур:
танловга тақдим этилган ҳужжатлар Низом талабларига мослиги;
талабгорни Стипендияга тавсия этиш бўйича хulosаси.

19. Танловга тақдим этилган ҳужжатлар бўйича ўрнатилган тартибда эксперт хulosаси тақдим этилган тақдирда талабгор ҳужжатлари Танлов комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади.

20. Танлов комиссияси йиғилиши унинг аъзоларидан камида учдан икки қисми иштирок этганда ўтказилиши мумкин.

21. Танлов комиссияси йиғилишларида эксперт хulosаси тақдим этилган ишлар бўйича талабгорларнинг ҳужжатлари талабгорларни таклиф этилган ҳолда муҳокама қилинади.

22. Танлов комиссиясининг қарори оддий овоз йўли билан кўпчилик овозга кўра қабул қилинади ва баён шаклида рассийлаштирилади.

23. Танловда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Танлов комиссияси томонидан танлов эълон қилинган йилда:

бакалаврият ва магистратура талабалари бўйича – 20 июлга қадар;
таянч докторантура изланувчилари бўйича – 20 ноябрга қадар қўриб чиқилади.

24. Танлов якунлари бўйича Танлов комиссияси томонидан қўриб чиқилган ва стипендия тавсия этилган талабгорларнинг ҳужжатлари ўрнатилган тартибда Жамғарма Кузатув кенгashiда қўриб чиқиш учун тақдим этилади.

25. Жамғарма Кузатув кенгашининг танловдан муваффақиятли ўтган ва стипендияга тавсия этилганларнинг рўйхати Институтга стипендияни тўлаб бериш учун тақдим этилади.

6-боб. Якуловчи қоидалар

26. Стипендиатлар бўйича таълим олаётган ташкилотнинг ички тартиб қоидаларини бузганлиги ёки илмий фаолиятида сусткашликка йўл қўйганлиги тўғрисидаги тақдимномасига кўра, Жамғарма Кузатув кенгashi қарори билан стипендия берилиши тўхтатилади.

27. Танловда қатнашган талабгорларнинг ариза ва шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

28. Танловда қатнашиш учун киритилган материаллар қайтариб берилмайди.